

Муҳиддинова Дилафруз - Филология  
фанлари доктори, ТошДШИ

## XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ АРАБ АДАБИЁТИДА ЯНГИЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада Машириқ араб (Миср, Сурия, Ливан, Фаластин, Иордания, Ироқ) мамлакатлари адабиётида XX асрнинг 1960–1970 йиллардаги зоявий-эстетик ўзгаришлар, жумладан, ҳикоя жанрининг ривожланишида услубий ва мазмуний такомиллашуви ёритилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** адабий жараён, реализм, модернизм, экзистенциализм, “янги мавж”, абсурд, сюрреализм, коллаж, “онг оқими”.

**Аннотация.** Настоящая статья посвящена значительным изменениям, которые произошли в литературе арабского Маширика (Египет, Сирия, Ливан, Палестин, Иордания, Ирак), в частности изменения содержательного и стилистического характера в жанре рассказа.

**Опорные слова и выражения:** литературный процесс, реализм, модернизм, «Новая волна», литература абсурда, сюрреализм, коллаж, «поток сознания».

**Abstract.** This article is devoted to the significant changes in the literature of the Arab Mashreq (Egypt, Syria, Lebanon, Palestine, Jordan, Iraq), in particular the substantive and stylistic changes in the genre of the story.

**Keywords and expressions:** literary process, realism, modernism, ‘New Wave’ literary nonsense, surrealism, collage, ‘streams of consciousness’.

XX аср охирида инсоният ҳаётида янги тамойил – сиёсат, иқтисод ва маданиятни ўзида қамраб олган глобаллашув жараёни шаклланди. Адабиётда бу тамойил ижобий натижаларга олиб келди: миллий адабиёт ютуқлари тезлик билан оммалашди, миллатлараро адабий таъсир кучайди. Шу жумладан замонавий араб адабиёти ўзига хос алоҳида сифатларга эга бўлган адабиётдир. Замонавий араб ёзувчиларининг бадиий онгида замонавий мажозий насрга мойиллик, яъни улар орасида кузатувчанлик, абстракт фикрлаш, чуқур таъсирчанлик, мажозийлик ва рамзийликка бўлган интилиш кучайди. Реализмнинг янги хусусиятлари экзистенциализм муаммоларида, мажозий тасвирнинг мураккаблашувида намоён бўлиб, реал воқелик алоҳида олинган шахс онгида мужассамланди. XX аср охири ва XXI аср бошидаги араб адабиёти, хусусан, Сурия, Ливан, Миср, Ироқ, Фаластин ва Иордания каби Машириқ араб давлатлари адабиёти ўзининг мазмуни, услублар хилма-хиллиги ва бойлиги билан ўз даврига ҳамоҳанг бўлганлиги жаҳон адабий жараёнида муносиб ўринни эгаллашга асос бўлади.

“Адабий йўналишларнинг алмашинуви – бадий асар тузилишининг ўзгариб боришида акс этувчи борлиқ концепциясининг ўзгариш жараёнидир. Адабий жараён ўз даврининг ижтимоий, иқтисодий йўналишлари билан тўлиқ мос келмайди, у давр тамойилларидан кўра бойроқ бўлади”<sup>1</sup>. Адабий жараёнда ижодий методлар, оқим ва йўналишлар, ижодкорлар услубининг турфа хиллиги бадий тафаккурнинг тинимсиз равишда ривожланувчи, янгиланувчи, ўз моҳиятига кўра такомил сари юзланган тизим эканлигини кўрсатади.

XX аср иккинчи ярмига келиб Машриқ араб давлатлари ҳикоянавислигида анъанавий реализм методи илғор, танилган ва қабул қилинган метод ҳисобланар, аммо у ўз “ягона метод” сифатидаги мавқеини қўлдан бераётган эди. Адабиётшунос араб олими Ҳусам ал-Хатиб адабий йўналишларга таъриф берган ҳолда, бу давр ёзувчиларни уч гуруҳга бўлади: “Биринчи гуруҳ вакиллари, яъни катта ёшдаги ёзувчилар мантиқий ижод қилиш ва фикрлашга ўрганганлар: мавжуд муаммоларни бартараф этишда мантиқ, танқид асосида амалга оширадилар, яъни бу ерда аниқ таҳлил ва амалий мантиқ бўлади, баъзан мантиқ жуда ўткир бўлади. Асар тили ҳам мантиқий таҳлилга асосланган ҳолда, аниқ ва тушунарли мазмунга эга бўлади. Иккинчи гуруҳ вакиллари мавжуд муаммоларни танқид қилишда ўзларининг алоҳида қарашларига, субъективизмга, ички тахминларига, дилдаги яширин ўйларига асосланадилар. Бу ёш ёзувчилар авлоди инсоннинг ҳаётий ҳақиқатлар билан ўзаро муносабат йўллари топишдаги изланишлари мантиқни инкор этишга, баъзан эса, ўз кўрган-кечирганлари, орзулари ва қуруқ фантазияларига асосланган бўлади. Бу изланишларда мантиқ унсурларинигина кузатиш мумкин, лекин бу мантиқ ҳеч қачон кучли бўлган эмас. Яъни, бу ерда мантиқий фикрлаш ва онгли хулосалардан инкор аниқ кўзга ташланади. Мазкур ёзувчилар ижодининг ўзига хослиги уларнинг услубида кўзга ташланади: воқеалар содир бўлган вақт ва макондаги ноаниқлик, ички монолог, психологик ҳолатнинг бошқа ҳолатлар билан уйғунлашуви, субъективлик, эркин ўхшатишларни ишлатишда хилма-хил услубларнинг мавжудлиги ва бошқалар. Учинчи гуруҳ эса, реализм ва модернизм йўналишларини уйғунлаштиришга интилаётган ёзувчилар гуруҳидир”<sup>2</sup>.

Адабиётшунос араб олими Ҳусам ал-Хатиб эътироф этган иккинчи ва учинчи гуруҳ ёзувчиларининг ижодидан кўринадики, XX аср иккинчи ярмидаги Машриқ араб давлатлари адабиётига ижодий йўналишларнинг хилма-хиллиги хосдир. Бадий ижоддаги мазкур ижодий ранг-баранглик Сурия, Миср, Ироқ, Иордания, Фаластин, Ливан каби Машриқ араб давлатлари, шунингдек, Тунис, Марокаш, Жазоир каби Мағриб араб давлатлари адабиётида ҳам бир вақтнинг ўзида шаклланди. Бадий адабиётдаги ғоявий-эстетик ўзгаришлар, биринчи

<sup>1</sup> Теория литературы. Литературный процесс. – М.: ИМЛИ РАН Наследие, 2001. Т. 4. – С. 50.

<sup>2</sup> د. حسام الخطيب. القصة القصيرة في سورية. -دمشق: منشورات وزارة الارشاد القومي. 1982. –ص.134.

навбатда, ижодкорлар бадий тафаккуридаги ўзгариш билан боғлиқ эди. Ёзувчиларнинг борлиқни, инсонни янгича идрок қилишларида улар яшаб турган муҳитнинг аҳамияти беқиёс даражада ошди. Мазкур янгиланиш жараёнларининг юзага келишига маълум ички ва ташқи омиллар сабаб бўлди. Ички омиллар сифатида XX аср ўрталарида Яқин Шарқ мамлакатлари, хусусан, араб дунёсида муҳим сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларнинг рўй бериши, жумладан, араб-исроил уруши, араб мамлакатларидаги ички низолар, зиддият ва қарама-қаршиликлар, иқтисодий тенгсизлик, аёллар ҳуқуқлари, шахс эркинлиги учун кураш ва бошқа шу каби ҳолатларнинг адабиётга таъсирини эътироф этиш мумкин. Шунингдек, Шарқ халқларига хос бўлган кузатувчанлик, воқеликнинг ички моҳиятига эътибор билан қараш, унинг асл мазмунини қидириш, абстракт фикрлаш хусусиятлари ва бу хусусиятларнинг мусиқа, шеърият, борлиқни англаш фалсафасида кузатилишини ҳам ички омил сифатида таъкидлаш жоиз. Ташқи омиллардан Ғарб адабиётининг, ундаги замонавий йўналиш ва оқимларнинг таъсирини кўрсатиб ўтиш мумкин. “Шарқ адабиётида тарихий-сиёсий шароит ҳосил қилган мафкуравий бўшлиқ модернизмнинг кириб келишига асос бўлди ва бу нарса айрим ёзувчилар ғоявий йўналишларининг ўзгаришига сабаб бўлди. Шарқ ёзувчиларининг жаҳон адабиёти тажрибасини тезлик билан ўзлаштиришга бўлган табиий интилишлари, бунинг натижасида шакл мураккаблашуви, кўпинча ёзувчининг инсон ва борлиққа бўлган муносабатининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ёзиш техникасидаги янги услубларга интилиш каби адабий жараёнлар ҳам модернизмнинг шаклланишига анчагина ёрдам берди. Поэтик тилнинг мураккаблашув жараёни эса фақат миллий адабиёт доирасидагина юз берди”<sup>3</sup>. Араб дунёсидаги мана шу жараёнлар янги авлод ёзувчиларнинг бадий тафаккурида ўз ифодасини топди.

Жумладан, Миср ҳикоянавислигидаги бу йўналиш “янги мавж” деб номланиб, у XX аср 60-йилларида ижод қилган ҳикоянавислар (Муҳаммад Ҳафиз Рағаб, Иброҳим Аслон, Дийа аш-Шарқовий, Юсуф ал-Қуайид, Жамал ал-Ғитоний, Суналлоҳ Иброҳим ва б.) ижоди орқали юзага келди. “Янги мавж” ҳикоянавислигидаги янгилик, ёзувчилар томонидан дунёни субъектив кўриш ва ўз индивидуал тажриба эстетикасини тасдиқлаш каби хусусиятларда ҳамда уларнинг наздида инсонни “тор” маънодаги ижтимоий-детерминистик тарзда тушунишда намоён бўлди. XX аср биринчи ярмида шаклланган “яхлит” реалистик услуб инқирозга юз тутиб, унинг ўрнида янги бир қанча индивидуал услублар шаклланди<sup>4</sup>. “Янги мавж” намояндalари кўпроқ жамиятни эмас, балки шахсни асосий ўринга чиқаришга уринишган ва шу туфайли бу даврдаги бадий тасвир

<sup>3</sup> Аганина Л. А. Введение // Сб. науч. трудов: Идеологическая борьба и современная литература зарубежного Востока. – М.: Наука, 1977. – С. 5.

<sup>4</sup> Кирпиченко В. Н., Сафронов В. В. История египетской литературы XIX–XX вв. В 2-х т. – М.: Восточная литература, 2003. Т. 2. – С. 143.

воситалари, услуб ва ҳикоянинг композицион шакллари ҳам ўзгариб борди. Тасвир объектида оламда шаклланган инсон эмас, балки инсон онгида унинг ҳиссиётлари орқали шаклланган олам ҳақидаги тушунча асосий ўринга чиқади. Бу ҳикояларнинг сюжети кетма-кет тартиб билан ҳикоя қилинувчи, ибтидо ва интиҳосига эга бўлмиш ҳикоя шаклида эмас, балки кўпроқ монолог шаклида, кўпроқ асосий қаҳрамоннинг ички ҳиссиётлари, ҳис-туйғулари, ўй-фикрлари, жамиятга бўлган муносабати тасвирланади. Бу тасвирда “онг оқими” усули қўлланилади. Олам уларнинг тасвирида мавҳумлик, беқарорликдир. Улар воқеликни тасвирлашда аниқ, равшан, содда услубдан воз кечиб, ҳаётни изоҳлашда унинг қанчалик ақл бовар қилмаслигини ва уни англаш амри маҳоллигини кўрсатишни афзал кўришади. Ўзбек арабшунос олимаси Р. У. Ходжаева таъкидлашича, “Янги мавж” оқими вакилларининг қаҳрамони доимий берк кўчага кириб қолиб, ундан чиқиш йўлини излайди ва топа олмайди. Бу янги онг Европа адабиётида ҳукм сурган модернистик оқимлар мазмунига тўғри келса-да, уларнинг таъсири билан тўла таърифлаш тўғри эмас”<sup>5</sup>. Улар таъсирида Миср ижодкорлари фақат Миср ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳодисаларига фалсафий асослар беришга ҳаракат қилишган ва бу йўлда ўзларининг янги тафаккурларини ифодалаш учун янги воситалар қидиришган, янги тимсоллар ихтиро қилишган. Бу тимсоллар оламида ўқувчининг ҳаёли ҳам бемалол сузиб юради ва у ўзи учун бир неча хил хулоса ҳам чиқариши мумкин, чунки муаллиф ўз ҳикояси билан аниқ бир хулоса чиқаришга имконият бермайди.

Ироқ адабиётида ҳам XX аср иккинчи ярмида анъанавий реализм методи билан бир қаторда, янги замонавий йўналишлар, оқимлар шаклланди. Ироқда биринчи модернистик асар XX аср 50-йилларида пайдо бўлган. Ироқнинг Фуад ат-Текерли, Мажид ар-Рубейи ва бошқа шу каби модернист ёзувчилари, инсонни бу бешафқат дунёда бутунлай ёлғиз қилиб тасвирлашга интилдилар. Ғарбий Европа модернист ёзувчиларидек, Ироқ ёзувчилари ҳам шахс психологиясини ўзгармас бир қолип сифатида тасвирлашга уриндилар, жамият ва инсонни келиштириб бўлмаслиги ғоясини илгари сурдилар, инсонни ўраб турган оламнинг қуруқ сафсаталигини тушунтиришга ҳаракат қилдилар<sup>6</sup>.

Экзистенциализм фалсафаси изидан замоанвий араб ёзувчиларининг фикрича, инсон ўз шахсий ҳаёти “лойиҳасини тузишга” ҳокимдир, мукамалликка эса эришиб бўлмайди, лекин мукамаллик томон ҳаракат инсон имкониятларига боғлиқдир. Мазкур ёзувчиларнинг асарларида тушқунлик етакчи ўринни эгаллайди. Инсон ва уни ўраб турган олам ўртасида ҳал қилиб бўлмайдиган зиддият мавжуд, инсоннинг воқеликни ғам ва зулмат томонга қаршилиқ кўрсатиши мантиқсиздир – мана шундай мотивлар бу турдаги ёзувчилар ижодига

<sup>5</sup> Ходжаева Р. У. Янги мавж оқими. Ўқув қўлланма. – Т.: ТошДШИ. 30-б.

<sup>6</sup> Чуков Б. В. Модернистское течение в иракской художественной прозе (1950–1960 гг.) // Сб. науч. трудов: Идеологическая борьба и современная литература зарубежного Востока. – М.: Наука, 1977. – С. 31–44.

хос хусусиятдир. Машриқ араб давлатларининг замонавий ҳикоянависларига амалий санъатнинг бадиий усулларида фойдаланиш, ўрганилмаган ва синалмаган мавзуга эътибор қаратиш хосдир. Ёзувчиларнинг персонажлари ҳақиқий тўқиманинг ҳосиласидир ва муаллифлар буни яширмайдилар ҳам.

Замонавий Сурия ҳикоянавислигидаги бундай ўзига хос янги услуб ва кўринишларнинг шаклланишига ҳам бошқа араб мамлакатларидаги каби ўзига хос ички ва ташқи омиллар сабаб бўлган. Ўша даврда Суриядаги оғир сиёсий вазият, иккинчидан, араб–исроил уруши (1967, 1973), учинчидан, турли мафкураларнинг ўзаро кураши каби сабаблар Сурия жамиятида тушкунлик, абсурдлик кайфиятини уйғотди. Бу ҳолат албатта, биринчи навбатда, Сурия аҳолисининг зиёли қатламида ўз аксини топди.

XX аср иккинчи ярмида Сурияда ижод қилган Жўрж Салим, Закарийа Тамер, Валид Ихлосий, Гада ас-Самман, Мустафо ал-Ҳаллаж, Ҳаний ар-Раҳиб каби ёзувчилар Ғарб модернизми вакиллари сингари ўз асарларида кўпроқ инсоннинг ички моҳиятини, экзистенциализм фалсафаси муаммоларини талқин этгани ҳолда неореалистик тарзда акс эттирдилар. Юқорида номи зикр этилган ёзувчиларнинг барчаси ўз ижодини реализмдан, “Сурия ёзувчилар уюшмаси анъанасини” давом эттириш билан бошлаганлар ва XX аср 60-йилларига келиб эса, уларнинг бадиий тафаккурида ўзгаришлар, янгиланишлар шаклланди. Ҳусам ал-Хатиб “XX аср иккинчи ярмида ижод қилган суриялик ҳикоянависларнинг Ж. П. Сартр, А. Камю, Ф. Кафка каби Ғарб модернизми вакиллари асарларидан таъсирланганлигини ва уларнинг қарашлари ўзгарганлигини таъкидлайди”<sup>7</sup>.

XX аср иккинчи ярмида ижод қилган замонавий араб ёзувчиларининг (Н. Маҳфуз, М. Ҳ. Рағаб, Ж. ал-Ғитоний, М. Шаълон, Ф. ат-Текерли, М. ар-Рубейи, Ж. Салим, З. Тамер, В. Ихлосий, Г. ас-Самман, М. ал-Ҳаллаж, Ҳ. ар-Раҳиб ва б.) ижодида Ғарб модернизмининг тўлақонли аксини кўрмаймиз. Биз бу ёзувчилар ижоди орқали адабиётшунос танқидчи Ҳусам ал-Хатиб гуруҳларга бўлиб берган ёзувчиларнинг учинчи гуруҳини, яъни модернизм ва реализм уйғунлашувини кўришимиз мумкин. Гарчи замонавий араб ёзувчилар Ғарбнинг модернизм оқими вакиллари ижодидан таъсирланган бўлсалар-да, ўз асарларида миллийликка, диний дунёқарашга, шарқона қадриятларга, адабий меросларга содиқликни сақлаб қолганлар. Миллий адабиётдаги бу каби ўзига хослик хусусиятларнинг мослашиш жараёни бўлиб, “модернизм”, “экзистенциализм” ва бошқа замонавий ижодий йўналиш ҳамда оқимлар Шарқ адабиётида, замонавий Машриқ араб давлатлари адабиётида ўзига хос шаклда намоён бўлган.

Замонавий оқим ва йўналишларда ижод қилган замонавий араб ёзувчиларининг (Н. Маҳфуз, М. Ҳ. Рағаб, Ж. ал-Ғитоний, М. Шаълон, Ф. ат-Текерли, М. ар-

7. حسام الخطيب. القصة القصيرة في سورية. – دمشق: منشورات وزارة و الارشاد القومي. 1982. – ص. 84.

Рубеи, Ж. Салим, З. Тамер, В. Ихлосий, Ғ. ас-Самман, М. ал-Ҳаллаж, Ҳ. ар-Раҳиб ва б.) асарларида анъанавий реалистик метод бир томондан, ўзининг табиий ривожланиши, иккинчи томондан, жаҳон адабиётининг замонавий адабий услублари таъсири натижасида янги босқичга кўтарилди.

Реализмнинг янги сифатлари замонавий араб ёзувчилари ижодида дунёни фалсафий англашда, экзистенциализм фалсафаси таъсирининг кучайишида акс эта бошлади. Янги насрий адабиётда мажозий тасвир кучайди. Реал тасвир эса индивидуал онгда “мужассамлашган” шаклда ифода этила бошлади. Бу давр Машириқ араб давлатлари ҳикоянавислигининг ўзига хослиги шундаки, ҳам услуб жиҳатдан, ҳам мазмун жиҳатдан туб ўзгаришлар юз берди. Ҳикоянависликдаги услубий ўзгаришлар: воқеликнинг реал ва нореал сюжетга бўлиниши, рамзий, мураккаб образлар, фантастик, мистик унсурлар, топишмоқона хусусиятлар, мазмун жиҳатдан эса, экзистенциализм фалсафасининг инсон ва ҳаёт, инсон ва тақдир, инсон ва ўлим, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги “чегарадош вазият” доирасида муаммоларини ёритишдир.

Замонавий араб ёзувчиларининг ҳикояларида реал ва нореал воқелик ўзаро бирлашиб кетади, натижада вазмин мураккаб тузилган эпик баён ўрнини мураккаблаштирилган, рамзий ифода услуби эгаллайди, тасвирий воситалар шартли шаклларга бурканади ҳамда асар сюжетида ассоциативлик кучаяди. Дунёни англаш борасидаги ўз қарашларини замонавий араб ёзувчилари (Ж. Салим, З. Тамер, М. Утейба, М. Ҳ. Рағаб ва б.) кўчма маънолар орқали баёнга рамзлар, эртақона, фантастик унсурлар, “онг оқими”, ранг рамзини киритиш орқали ифодалай бошлаганлар.

Хулоса қилиб айтганда, шуниси эътиборга моликки, Машириқ араб давлатларининг замонавий ёзувчиларининг аксарияти янги модернистик унсурлар ва усулларни миллий мерос хазинасида топа олишди ва ундан самарали истефода қилишди. Масалан, “1001 кеча” эртақларидаги “онг оқими”, ассоциатив фикр юритиш, реал ва фантастик унсурларнинг алмашинуви ва бошқалар. XX асрнинг иккинчи ярми араб адабиётида жаҳон адабиётига хос инсон борлигининг фожиавий акс этирилиши бошланиши, тартибсиз оламда инсоний ришталар узилган ва ёлғизланиб қолган шахс ҳолатини кўрсатиш тамойиллари сезилди. Аммо бу тамойиллар тарихий генетик илдизларга, маданий меросга ва маънавиятга таянган замонавий араб ёзувчилари ижодида модернистларнинг ҳаёт бемаънилик деган шиорлари ўрнига маънавий қадриятларни, бадиий изланиш йўли акс этди. Замонавий араб ҳикоянавислиги юқори даражада бадиийликка эришишида унинг миллий хусусиятларини сақлаб қолиши катта роль ўйнади.